Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида
2021 йил “11” октябр да
рўйхатга олинган

Рўйхатга олиш рақами 37/3

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки раисининг
биринчи ўринбосари

_______________ Б.Э. Захидов

М.Ў.

# “МИКРОКРЕДИТБАНК”
# акциядорлик-тижорат банки
# Уставига киритилган ўзгартишлар

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Микрокредитбанк” АТБ
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2021 йил “21” сентябрдаги
6-сонли баённомаси билан

Кузатув кенгаши раиси

_______________ О.Р. Исаков

М.Ў.

Тошкент - 2021

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки**
**Уставига киритилган ўзгартишлар**

**1) Уставнинг 5.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

5.2. Банкнинг устав капитали миқдори 2 200 368 455 052 (икки триллион икки юз миллиард уч юз олтмиш саккиз миллион тўрт юз эллик беш минг эллик икки) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган 2 060 135 089 (икки миллиард олтмиш миллион бир юз ўттиз беш минг саксон тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат.

**2) Уставнинг 6.9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик 413 258 429 (тўрт юз ўн уч миллион икки юз эллик саккиз минг тўрт юз йигирма тўққиз) дона умумий қиймати 441 360 002 172 (тўрт юз қирқ бир миллиард уч юз олтмиш миллион икки минг бир юз етмиш икки) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат.

**Бошқарув раиси** **О.А. Бутаев**

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2021 йил “21” сентябрдаги
6-сонли баённомасига
**2-ИЛОВА**

## “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига киритиладиган ўзгартишлар

| Амалдаги таҳрир | Амалдаги таҳририга киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар |
|---|---|
| 5.2. Банкнинг устав капитали миқдори **2 041 728 455 952 (икки триллион қирқ бир миллиард етти юз йигирма саккиз миллион тўрт юз эллик беш минг тўққиз юз эллик икки)** сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган **1 911 595 764 (бир миллиард тўққиз юз ўн бир миллион беш юз тўқсон беш минг етти юз олтмиш тўрт)** дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат. | 5.2. Банкнинг устав капитали миқдори **2 200 368 455 052 (икки триллион икки юз миллиард уч юз олтмиш саккиз миллион тўрт юз эллик беш минг эллик икки)** сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўм бўлган **2 060 135 089 (икки миллиард олтмиш миллион бир юз ўттиз беш минг саксон тўққиз)** дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 135 000 (бир юз ўттиз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли жойлаштирилган акциялардан иборат. |
| 6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик **561 797 754 (беш юз олтмиш бир миллион етти юз тўқсон етти минг етти юз эллик тўрт)** дона умумий қиймати **600 000 001 272 (олти юз миллиард бир минг икки юз етмиш икки)** сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат. | 6.9. Эълон қилинган акциялар: Банк устав капиталини ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмлик **413 258 429 (тўрт юз ўн уч миллион икки юз эллик саккиз минг тўрт юз йигирма тўққиз)** дона умумий қиймати **441 360 002 172 (тўрт юз қирқ бир миллиард уч юз олтмиш миллион икки минг бир юз етмиш икки)** сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборат. |

# “МИКРОКРЕДИТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

| | | |
|---|---|---|
| 2021 йил 21 сентябрь<br>бошланиш вақти 11:00 | № 6 | Тошкент шаҳри,<br>Лутфий кўчаси, 14-уй,<br>мажлислар зали |

**Йиғилиш раиси:** Ф. Нургалиев – Банк Кузатув кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бош мутахассиси

**Иштирокчилар:** Банк акциядорлари, Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари ва марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари

**Жами овоз берувчи акциялар сони:** 2 060 270 089 дона.

**Иштирок этаётган акциядорларниинг овоз берувчи акциялар сони:** 2 037 054 847 дона.

**Йиғилиш кворуми:** 98,9 фоиз.

Банк Кузатув кенгаши раиси узрли сабабларга кўра иштирок этмаганлиги учун Банк Кузатув кенгаши аъзоси Ф.Нургалиев йиғилиш раиси этиб, Х.Усманов эса йиғилиш котиби этиб сайланди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартишлар киритиш.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш**

**Биринчи масала** бўйича йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларини мазкур Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти лойиҳаси (матни 1-иловада келтирилади) билан таништирди ва уни акциядорлар томонидан тасдиқланиши зарурлигини билдирди.

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин”.

**Овоз бериш натижалари:**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Тарафдорлар: | 2 037 054 847 | овоз, | 100 | фоиз. |
| Қаршилар: | 0 | овоз, | 0 | фоиз. |
| Бетарафлар: | 0 | овоз, | 0 | фоиз. |

Овоз бериш натижалари асосида, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартишлар киритиш**

**Иккинчи масала** бўйича йиғилиш раиси қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги ПҚ-5146-сон “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 4-бандига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан паррандачилик лойиҳаларини молиялаштириш учун Банк устав капиталини ошириш юзасидан қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2021 йил 28 июлдаги қарори қабул қилинди.

Молия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 августда P0005-28-сон билан рўйхатга олинган Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан Банкнинг номинал қиймати 1068 сўм бўлган 148 539 325 дона умумий қиймати 158 639 999 100 сўмлик оддий акциялари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 2021 йил 12 августда тўлиқ жойлаштирилди.

Мазкур қўшимча акцияларни жойлаштириш натижасида, Банк устав капитали миқдори 2 041 728 455 952 сўмдан 2 200 368 455 052 сўмга етказилди. Бунда Банкнинг оддий акциялари 2 060 135 089 дона ва имтиёзли акциялари 135 000 донадан иборат бўлиб, жами акциялар сони 2 060 270 089 донани ташкил этди.

Банк Уставига устав капитал миқдорини кўпайтириш ҳамда эълон қилинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар киритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддасига ва Банк Устави 12.7-бандига асосан, Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк Уставига ўзгартишлар лойиҳаси (матни 2-илова келтирилади) Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарорлар матни овозга қўйилди:

“2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартишлар киритилсин ва тасдиқлансин.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви зиммасига Банк Уставига киритилаётган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин”.

**Овоз бериш натижалари:**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Тарафдорлар: | 2 032 618 518 | овоз, | 99,8 | фоиз. |
| Қаршилар: | 4 436 329 | овоз, | 0,2 | фоиз. |
| Бетарафлар: | 0 | овоз, | 0 | фоиз. |

Овоз бериш натижалари асосида, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартишлар киритилсин ва тасдиқлансин.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви зиммасига Банк Уставига киритилаётган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилингач, йиғилиш раиси “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди ҳамда йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш баённомаси 2021 йил “23” октябрь куни икки нусхада тузилди.

**Йиғилиш раиси** **Ф. Нургалиев**

**Йиғилиш котиби** **Х. Усманов**

«MIKROKREDITBANK»

«Mikrokreditbank» aksiyadorlik-tijorat banki
Joint-Stock Commercial Bank «Microcreditbank»
Акционерно-коммерческий банк «Микрокредитбанк»

O'zbekiston Respublikasi
100096, Toshkent sh.,
Lutfiy ko'chasi 14.
Tel.: + 998 (71) 273 28 11
Faks: + 998 (71) 273 05 90
E-mail:Office@mikrokreditbank.uz

«2?» сентябрь 2021 у.
16/97

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раисининг**
**биринчи ўринбосари**
**Б.Э. Захидовга**

02

**Ҳурматли Ботир Эркинович!**

"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг 2021 йил 21 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари умумий йиғилишида банк Уставига киритилаётган ўзгартишларни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, Сиздан "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки Уставига киритилган ўзгартишларни рўйхатдан ўтказишингизни сўраймиз.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Банк акциядорларининг 2021 йил 21 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 6-сонли баённомаси нусхаси - 3 нусхада.
2. Банк Уставига киритилган ўзгартишлар матни 3 нусхада.

*Илова: 21 варақда*

Ҳурмат билан,

**Кузатув кенгаши раиси** **О. Исаков**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHRI "MIKROKREDITBANK" AKSIYADORLIK-TIJORAT BANKI

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
The Central Bank of the
Republic of Uzbekistan
KEL. №
INCOM. №
29. 09. 2021

**Тикилган ва рақамланган**

8 ( саккиз )

варақдан иборат

11 октябрь 2021 йил

Имзо

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
Devonxona
Chancellery